

35 Ягона Ватан,  
ягона халқ бўлиб,  
янги ҳаёт ва  
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 18 (1586)

2026-YIL 8-MAY, JUMA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adolat



## Адолатга бахшида

Юртимизда фахрийлар ва нуронийларни ардоқлаш билан боғлиқ халқимизнинг меҳр-мурувват ҳамда эзгулик хислатлари 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида яна бир бор намоён бўлмоқда. Сана муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси бир қатор фахрийлар билан учрашиб, улар билан партияимизнинг шонли тарихи, унутилмас лавҳалари, ғоя ва мақсадларимизнинг ҳаётдаги ижроси хусусида дилдан суҳбатлашди.

## “ФАРФОНАНИНГ ҚУЛИМАН...”



Бир гал Қўқонга Муҳаммад Юсуф, Йўлдош ака учаламиз бирга кетдик. Довонга чиққаннимиздан сўнг олдинги ўриндикда утирган Муҳаммад Юсуф биз томон ўгирилди ва ҳеч қандай кириш сўзисиз, муқаддимасиз шеър ўқий бошлади:  
**Мендан нима қолар: икки мисра шеър, Икки сандиқ китоб, бир уюм тупроқ, Одамлар ортимдан нима деса дер, Мен сени ўйлайман ўзимдан кўпроқ – Лола, лолажоним, лолақизғалдоқ!..**  
Шеър сеҳрига берилиб кетибман. Бир маҳал кимдир ёнимда энтикандай бўлди. Қарасам, Йўлдош ака, кўз ёшларини яширмай, юм-юм йиғлапти...

## Юзма-юз мулоқот

Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партияимиз фракцияси аъзолари томонидан ҳудудларда ўтказилаётган тизимли ўрганишларнинг навбатдаги босқичи ўз ниҳоясига етди. “Маҳаллабай” ишлаш тизими асосида ташкил этилган мазкур жараёнда асосий эътибор аҳолининг ҳаётий муаммоларини тинглаш ва уларга ечим топишга қаратилди. Ўрганишлар давомида қонунлар ва давлат дастурларининг ижро ҳолати танқидий таҳлил қилиниб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасаддилар билан биргаликда зарур чоралар кўрилди.  
Депутатлик фаолиятининг мазмун-моҳияти халқ орасига кириб бориш, одамларнинг дарду ташвишини тинглаш, ҳудудларда кечаётган жараёнларни жойида кўриш ва муаммоларга амалий ечим излашдир. Зеро, халқ билан мулоқот, мурожаатларга эътибор ва ижтимоий ташаббуслар ижроси устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш бугунги ислохотлар руҳининг ажралмас қисмига айланди.

## АҲОЛИНИНГ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИ ТИНГЛАНДИ ва уларга ечим топилди



## “Эртанги кун ургун бугун масъулмиз: ТАБИАТГА МУҲАББАТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ”

“Batareykalar.uz” лойиҳаси асосчиси, ёш парламентарий Ферузбек САЙФУЛЛАЕВ билан суҳбат



4

2-3

5

4,-6

# АҲОЛИНИНГ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИ ТИНГЛАНДИ

## ва уларга ечим топилди



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Рашидованинг Қорақалпоғистон Республикасида ўтказган ўрганишлари жараёнида бир неча масалаларга эътибор қаратилди.

Жараён давомида маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этилди, ҳудудлардаги ободонлаштириш ишлари ўрганилди, маҳалла тизими фаолияти билан танишилди, фуқаролар мурожаатлари жойига бориб кўриб чиқилди, шунингдек, нурунийлар ҳолидан хабар олинди.

Дастлаб депутат Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимида қорақалпоқ халқининг ардоқли фарзанди Қаллибек Камалов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Қаҳрамон ва унинг даври” номли республика амалий-илмий конференциясида иштирок этди.

Мазкур анжуман доирасида миллат ва жамият тарақиётига муносиб ҳисса қўшган инсонлар ҳаёти, уларнинг ибратли фаолияти, маънавий мероси ва бугунги авлод тарбиясидаги аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди. Бу эса тарихий хотирага ҳурмат, улуғ инсонлар номини эъзозлаш ва миллий кадриятларни асраб-авайлаш ғоялари бугун ҳам долзарб эканини кўрсатди.

Кейинги манзиллардан бири Қораўзақ тумани бўлди. Бу ерда депутат “Бердақ” маҳалласи ҳудудида “Менинг боғим” лойиҳаси доирасида амалга оширилётган ишлар билан танишди.

Лойиҳа 2025 йилда “Ташаббусли бюджет” жараёнида голиб деб топилган бўлиб, бугунги кунда уни амалда тўлиқ шакллантириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Ташриф чоғида боғ ҳудудида яратилган шароитлар, экилган дарахт ва кўчатларнинг ҳолати, амалга оширилётган ишлар кўлами ва сифат жиҳатлари кўздан кечирилди. Тегишли мутахассислар томонидан лойиҳанинг тўлиқ боғ кўришига келиши учун яна маълум вақт зарурлиги, бир неча ой ичида ободон-

лаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тўлиқ якунланиши ҳақида маълумот берилди.

Маҳалла фаоллари билан ўтказилган мулоқотда эса боғни сақлаш, унинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш, аҳоли учун қулай ва файзли дам олиш масканига айлантириш масалалари муҳокама қилинди. Алоҳида таъкидланганидек, бундай ташаббуслар нафақат ҳудуд кифасини яхшилайти, балки аҳолининг кайфияти ва яшаш муҳитига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Депутат “Қораўзақ” маҳалласида ҳам бўлиб, “маҳалла еттичилиги” фаолияти билан яқиндан танишди. У ерда аҳоли билан манзилли ишлаш, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, шунингдек, маҳалла ҳудудида амалга оширилётган тадбирлар юзасидан фикр алмашилди. Учрашувларда ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари фаолияти, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш механизмлари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув доирасида “Солиқ тўлаш – бурчим” мавзусида ҳам мулоқот ўтказилди. Унда солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашнинг иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ҳудудларни ривожлантириш, ижтимоий лойиҳаларни молиялаштириш ва фуқаролик масъулиятини мустаҳкамлашдаги ўрни ҳақида тушунтиришлар берилди. Бу каби тарғибот ва тушунтириш ишлари жамиятда қонунийлик, дахлдорлик ва масъулият туйғусини кучайтиришга хизмат қилади. Ҳудуддаги фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масаласи ҳам амалда ўз ифодасини топди.

Кейинги тумани фуқароси Қувандиқ Нигметуллоев томонидан кадастр масаласи юзасидан йўланган мурожаат ижроси жойига чиқиб ўрганилди. Мазкур мурожаат аввал ҳам ўрганилиб, унинг сабаблари аниқланган эди. Бу галги ташрифда эса муаммони амалда қал этиши мақсадида тегишли мутахас-

сислар жалб қилиниб, ҳолат жойида таҳлил қилинди. Натижада масалани бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқилди, масъулларга тегишли вазифалар юклатилди. Бу каби ёндашув мурожаатларни шунчаки қайд этиш эмас, балки уларни амалда ҳал этишга йўналтирилган тизимли иш олиб борилаётганини кўрсатади.

Кейинги туманидаги ўрганишлар чоғида яна бир долзарб масала – “Қўмшўнгўл” маҳалласи аҳолисининг ичимлик суви таъминотидаги муаммолар ҳам ўрганилди. Маълум бўлишича, ушбу ҳудуддаги 40 та хонадон аҳолиси узоқ йиллардан буён ичимлик суви етишмовчилигидан қийналиб келмоқда. Депутат муаммони жойида кўриб, аҳоли билан очик мулоқот ўтказди, уларнинг дарду ташвишлари, эҳтиёж ва тақлифларини тинглади. Муаммони ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирлар доирасида нурунийлар ва кекса авлод вакилларига эҳтиром кўрсатиш ишлари ҳам давом эттирилди. Чунки инсон қадрини улуғлаш, айниқса, умрини эл-юрт хизматида бағишлаган, ҳаёт тажрибаси билан жамиятга ибрат бўлиб келаётган кексаларга ғамхўрлик қилиш миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу мақсадда депутат Кейинги туманидаги бир қатор нурунийлар хонадонларида бўлиб, уларнинг ҳолидан хабар олди. Жумладан, Алламуратова Шашли ҳамда Сайимбетова Айимхан хонадонларида бўлиб ўтган самимий суҳбатлар давомида кексаларнинг саломатлиги, яшаш шароити, кундалик эҳтиёжлари ҳамда бугунги ислохотларга муносабати билан қизиқди.

Бундай учрашувлар жамиятда катта авлодга бўлган ҳурмат-эътиборни мустаҳкамлаш, уларни эъзозлаш ва ёш авлод учун ибрат манбаини сақлаб қолиш нуктаи назаридан ҳам муҳимдир.

**АНДИЖОН:** Андижон шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат: жамиятга қайта мослашнинг ҳуқуқий кафолатлари” мавзусида “Омбудсман мактаби” машғулоти бўлиб ўтди.

Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги 3-сонли тергов ҳибсхонасининг мажлислар залида бўлиб ўтган тадбирда “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулнораҳон Абдувоҳидова иштирок этиб, ёш маҳкумлар билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашувни Тергов ҳибсхонаси бошлиғи, подполковник Дилмуроджон Юлдошев ҳамда Омбудсманнинг Андижон вилоятидаги минтақавий вакили Жасурбек Иброҳимов кириш сўзи билан очдилар. Улар тадбирнинг ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб, иштирокчиларни самарали мулоқотга чорладилар.

Мулоқотда ёш маҳкумларга қонунчиликдаги янгиликлар, маҳкумларнинг жамиятга қайта мослашуви, ўз ҳаётини тиклаши ҳамда тузалиш йўлига ўтган ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

– Президентимиз томонидан 2026 йил 27 мартда қабул қилинган “Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор асосида амалга оширилаётган “Иккинчи имкон” лойиҳаси жазо мақсад эмас, балки инсон ҳаётини тўғри йўлга солиш воситаси эканини амалда намоён этмоқда. Ушбу лойиҳа орқали 18–30 ёшдаги ёшларга замонавий рақамли касблар, инглиз, рус ва хитой тилларини ўргатиш, уларнинг муносиб ҳаётга қайтиши учун зарур шароит яратиш кўзда тутилган. Ҳар бир инсоннинг ўзгаришига ҳақли экани эътиборга олинган мамлакатимиздаги инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин ифодасидир, – деди Гулнораҳон Абдувоҳидова.

Шунингдек, тадбирда давлат ёшлар сиёсатини янги

босқичга олиб чиққан муҳим ҳужжатлар мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 2026 йил 20 апрелда имзоланган “Янги Ўзбекистон ёшлари – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармон, шунингдек, мазкур стратегияни 2026–2027 йилларда амалга ошириш ва ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорнинг аҳамиятига эътибор қаратилди.

Мулоқот давомида депутат ёш маҳкумларга мурожаат қилиб, улар ҳам мамлакат ёшларининг ажралмас қисми эканини алоҳида таъкидлади.

– “Янги авлод тадбиркорлари” дастури доирасида 20 минг нафар ёшга имтиёзли кредитлар ажратилиши, “Келажақ касблари” лойиҳаси орқали ҳар йили 20 минг нафар йилит-қизни замонавий касбларга ўқитиш, хорижий тилларни ўрганган ёшларни рағбатлантириш ва ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш чоралари келгусида сизлар учун ҳам янги имкониятлар эшигини очади. “Иккинчи имкон” лойиҳасининг асосий мақсади ҳам шу – инсонга ўз ҳаётини қайта қуриш, жамиятда муносиб ўрин топиш ва юрт раванқига ҳисса қўшиш имконини беришдир. Энг муҳими, ўзингизга, ўз кучингизга ва эртанги кунингизга ишонинг, – деди депутат.

Тадбирда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси Хуршидбек Абдуманнопов болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими, Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси Жавоҳир Мўйдинбоев агентлик фаолияти, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси шўъба бошлиғи Одижон Турсунбоев эса ёшлар бандлиги масалалари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Учрашув очик мулоқот ва савол-жавоблар руҳида ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мутахассислардан ҳуқуқий ва амалий тушунтиришлар олдилар.



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ой якунида ўз сайловчилари билан учрашиб, уларнинг дарду муаммоларини, тақлиф ҳамда мурожаатларини тинглаши йўлга қўйилган. Шу мақсадда “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Зухриддин Мавлонов Сурхондарё вилояти Шеробод туманида ўрганишлар олиб борди.

Учрашувлар, аввало, партиянинг туман кенгаши масъуллари билан биргаликда Шеробод туманидаги 28-мактабдан бошланди. Ушбу таълим масканида лойиҳа қиймати 1 миллиард 648 миллион сўм бўлган замонавий иншоотлар – 200 ўринли фаоллар зали ва 60 ўринли мухташам кутубхона қурилиши бошланмоқда. Депутат қурилиш олди жараёнлари билан яқиндан танишди, мутасаддилар ҳамда маҳалла фаоллари билан очик мулоқот қилди. Учрашувда мактабда яратилаётган шарт-шароитлар ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши, ижодий ва маънавий салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Шунингдек, депутат Шеробод туманидаги “Мажнунтол” маҳалласида бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган асосий масалалардан бири – ичимлик суви муаммосини жойида ўрганди. Аниқлаштириш, ушбу маҳалла кўчалари бўйлаб 2019 йилдаёқ ичимлик суви қувурлари тортилган. Аммо сервис хизматлари охирига етказилмагани сабабли, орадан 5 йил ўтса ҳамки, аҳоли хонадонларига оби ҳаёт етиб бормаган эди. Ушбу масала масъуллар билан биргаликда ўз ечимини топиб, бугунги кунда тегишли маблаглар ҳисобидан маҳалладаги 956 та хонадоннинг барчасини об-ҳаёт билан таъминлаш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Депутат электр таъминоти ва хавфсизлик билан боғлиқ муаммони ҳам ўрганди. Маълум бўлишича, тумандаги 12-давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида жойлашган трансформатор узоқ йиллар давомида ишламай келган. Бу ҳолат нафақат электр таъминотида узлишларни келтириб чиқарган, балки боғча тарбияланувчилари ва атрофдаги аҳоли учун хавф ҳамда муайян ноқулайликлар туғдирган. Қурилган тезкор чора-тадбирлар натижасида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур муаммо ижобий ҳал этилди. Жумладан, трансформатор боғча ҳудудидан хавфсиз ва мақбул бўлган бошқа жойга кўчирилиши белгиланди.

Халқ вакилининг Музработ туманида сайловчилар билан учрашувлари самарали бўлди. Депутат ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази ҳамда Президентнинг Халқ қабулхонасида бўлиб, масъуллар билан биргаликда фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилди.

Учрашувлар давомида марказ ва қабулхонага келган 20 дан ортиқ фуқаро билан бевосита мулоқот қилиниб, уларнинг муаммолари диққат билан тинланди. Шунингдек, аҳолидан 11 та турли мазмундаги ёзма мурожаат ва тақлиф қабул қилинди. Шулардан 6 таси тегишли масъулларни жалб қилган ҳолда жойини ўзида ижобий ҳал этилди, қўшимча ўрганишни талаб этадиган 5 та масала бўйича эса тегишли ташкилотларга мурожаатлар юборилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди.

Депутатнинг кейинги учрашувлари тумандаги “Тонг юлдузи” ҳамда “Халқ йўли” маҳаллаларида бўлиб ўтди. “Маҳалла еттичилиги” ва ҳудуд аҳолиси билан очик мулоқотлар орқали ҳудудлардаги реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганилди ва таҳлил қилинди. Аҳоли томонидан кўтарилган асосий муаммолар бир неча йўналишни қамраб олди. Хусусан, ички йўллар ҳолати – таъмирталаб кўчаларни асфальтлаш ва шағаллаштириш масаласи кўтарилди. Электр таъминоти соҳасида эскирган симёғочларни алмаштириш ҳамда трансформаторлар қувватини ошириш зарурати таъкидланди. Ичимлик суви масаласида эса тоза сув таъминотини яхшилаш бўйича тақлифлар билдирилди.

Кўтарилган ҳар бир масала депутат томонидан қайд этиб олинди ва тегишли соҳа вакиллари билан биргаликда ўрганиш ҳамда ечим топиш бўйича иш бошланди.

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Вилоятда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш ҳамда мавjud муаммоларини аниқлашга қаратилган ўрганиш ишлари давом этмоқда. Шу мақсадда “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Нодира Жанибекова ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказди.

Депутат дастлаб Бахт шаҳридаги 10-сонли мактабга ва санъат мактабига бўлиб, бу ерда яратилган шарт-шароитлар, таълим жараёнининг ташкил этилиши ҳамда ўқувчилар эришяётган ютуқлар билан яқиндан танишди. Мазкур муассасада 10 та йўналиш бўйича 244 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, уларга 46 нафар малякали устозлар таълим беришмоқда. Ўқувчиларнинг республика ва халқаро танловларда эришяётган ютуқлари алоҳида эътироф этилди.

Депутат, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасалари фаолияти билан танишиб, “Бувижонлар” ва “Оқила аёллар” клублари аъзолари билан мулоқот ўтказди.

Сирдарё туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабига ҳам учрашув ташкил этилди. Унда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш ҳамда зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Депутат йилгиланларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 3 март куни имзоланган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида “Адолат” СДП томонидан республика миқёсида амалга оширилаётган “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик” акцияси Сирдарё вилоятида ҳам изчил давом этмоқда.



2 Тadbirlar davomida aholining huquqiy savdoxonligini oshirish, profilaktik ishlar samaradorligini kuchaytirish hamda mutasaddi tashkilotlar hamkorligini mustahkamlashga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Бундай учрашув ва давра суҳбатлари жамиятда ҳуқуқий онгни юксалтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тadbир якунида "Ҳазина" маҳалласи аҳолиси учун "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Сирдарё вилоят филиали томонидан бепул дори-дармонлар тарқатилди.

Шунингдек, Нодира Жанибекова Гулистон шаҳридаги "Улуғбод" маҳалласида ҳам бўлиб, "маҳалла еттичилиги" аъзолари билан мулоқот ўтказди ва ҳудуддаги тadbиркорлик фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўрганишлар доирасида депутат Муҳаммад Юсуф кўчасида истикомат қилувчи тadbиркор Муҳайё Қўлдошевнинг хонадонида ҳам бўлди. Узига ажратилган 11 сотих ер майдонидан унумли фойдаланаётган тadbиркор ҳозирда 5 сотихда помидор, 6 сотихда эса бодринг етиштирмоқда. Депутат бундай миришор тadbиркорларнинг фаолияти нафақат оила фаровонлигини, балки ички бозор тўқинчилигини таъминлашда ҳам муҳим намуна бўлишини эътироф этди.

Учрашув якунида "маҳалла еттичилиги" билан биргаликда ҳудуддаги бошқа хонадонларда ҳам томирқадан даромад олишни тизимли йўлга қўйиш, тadbиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда "Улуғбод" маҳалласи инфратузилмасини янада яхшилаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.



**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Самарқанд шаҳрида жойлашган "Карвонсарой" мажмуасида "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Елена Компольчик, "Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши Мафқуравий ишлар бошқармаси бошлиғи Улуғбек Расулов ҳамда вилоят мутасаддидан иборат ишчи гуруҳ ўрганиш ишлари олиб борди.

Тadbир давомида "Меценатлик тўғрисида"ги қонун доирасида олиб борилаётган амалий ишлар, хусусан, тарихий обидаларни сақлаш ва уларни қайта тиклашга қаратилган ташаббуслар атрофида ўрганилди. Таъкидланишича, мажмуани тadbиркорлар ҳомийлигида реконструкция қилиш 2025 йилги режага киритиб тасдиқланган эди.

Мазкур обида узоқ йиллар давомида меҳмонхона ошхонаси сифатида хизмат қилиб келган бўлса, бугунги кунда унинг тарихий қиёфасини тиклаш ва замонавий талаблар асосида қайта таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари мажмуани қайта тиклаш орқали унинг тарихий аҳамиятини сақлаб қолиш, шу билан бирга, туризм салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий аҳоли учун янги имкониятлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Қайд этилишича, бундай лойиҳалар нафақат тарихий меросни асраб-авайлашга, балки ҳудудда иқтисодий фаолликни кучайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Кенгаши депутати Бунёд Аҳмадалиев Фарғона шаҳридаги "Юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бунёд этилиши режалаштирилган жамоатчилик боғи лойиҳаси билан яқиндан танишишди.

"Очк бюджет" платформаси орқали амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида аҳоли яшайдиган ҳудудлар ва гавжум масканларда кўкаламзорлаштириш ишларини кучайтириш, янги дарахтзорлар барпо этиш ҳамда замонавий истироҳат масканларини яратиш кўзда тутилган.

Танишув жараёнида депутатлар "маҳалла еттичилиги" аъзолари ва фаол фуқаролар билан учрашиб, лойиҳа ижросининг долзарб жиҳатлари, амалга ошириш босқичлари ҳамда унинг самардорлигини таъминлаш асосида атрофдаги фикр алмашишди.

Миллий қонунчиликдаги янгиликлар билан халқимизни таништириш, ёш авлоднинг тақлиф ва ташаббусларини бевосита эшитиш учун юзма-юз учрашувлар энг самарали майдон ҳисобланади. Ана шундай мақсадда Фарғона давлат университети тарих факультетида "Адолат" СДП вилоят кенгаши ташаббуси асосида "Ёшлар кўни" муносабати билан ўтказилган тadbир ўзига хос жонли мулоқот платформасига айланди.

Депутат Зиёдбек Юнусов учрашувда мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли демократик ўзгаришлар аҳамиятига алоҳида тўхталди. Парламент томонидан қабул қилинаётган қонунлар моҳияти, ёшларнинг ўз салоҳиятини рўйбага чиқариши учун яратилаётган имкониятлар ҳақида сўз юритди. Мулоқот давомида талабаларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни жамиятдаги фаол ўзгаришлар драйверига айлантириш масалалари диққат марказида бўлди.

Шу билан бирга, фуқаролар билан бевосита суҳбат уюштирилиб, уларнинг маҳалла ободлиги йўлидаги тақлиф ва мулоҳазалари тингланди.

Юртимизда экологик муҳитни яхшилаш, аҳолига муносиб яшаш шароитларини яратиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар янги босқичга кўтарилимоқда. "Менинг боғим" лойиҳаси эса бу жараённинг амалий ифодаси бўлиб, ҳудудларда яшил майдонларни кенгайтириш ва аҳоли учун замонавий дам олиш масканларини барпо этишга хизмат қилмоқда.

**"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зиёдбек Юнусов ҳамда халқ депутатлари Фарғона шаҳар**



Шунингдек, "Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!" акцияси доирасида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи кўтарилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани суди судьяси Хислатбек Қўқонбоев Президентнинг ПФ-33-сонли фармонининг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиб берди. Судья зўравонлик ва тазйиққа қарши курашишда ҳуқуқий механизмларнинг кучайтирилгани соғлом муҳитни шакллантиришнинг гарови эканини қайд этди.

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Якубовнинг навбатдаги ўрганиш манзили – Шароф Рашидов номидаги Жиззах вилоят ахборот-кутубхона маркази бўлди. Депутат бу ерда кутубхона фаолияти, китобхоналар учун яратилган шароитлар ва замонавий ахборот ресурслари билан танишди.

Вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳудудда аҳоли, айниқса, ёшлар учун муҳим маънавий-маърифий масканлардан бири ҳисобланади. Бу ерда 100 мингдан ортиқ китоблар фонди мавжуд бўлиб, бадий, илмий ва оммабоп адабиётлар китобхоналар хизматида тақдим этилган.

Шунингдек, электрон ресурслар ва замонавий ахборот тизимлари орқали ҳам маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Ўрганиш давомида депутат кутубхона ходимлари билан суҳбатлашиб, китобхонлиқни ривожлантириш, ёшларни китобга жалб этиш ва уларнинг маънавий салоҳиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.



**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Фракция аъзоси Наримон Умаров Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида бўлиб, туман ҳудудидаги тегишли ташкilotлар масъуллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда фаол ёшлар билан очик мулоқот ўтказди.

Учрашувлар жараёнида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда уларнинг фуқаролар ҳаётига доир амалий аҳамияти юзасидан тушунтириш ишларини олиб борди.

Мулоқот давомида асосий эътибор 2025 йил 14 октябрь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросига қаратилди.

"Адолат" СДП Сийёсий Кенгаши ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси ҳамда "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида "Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!" широри остида ўтказилаётган республика акцияси доирасида туманининг "Хван" ва "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинларида тadbirlar ташкил этилди.

Уларда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш авлодни оила қадриятлари руҳида тарбиялаш, ажримлар сонини камайтиришга қаратилган профилaktik ишлар самарадорлигини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, ушбу йўналишда ёшлар билан бир қаторда, маҳалла фаоллари ва нуронийларнинг масъулиятини кучайтириш зарурати алоҳида қайд этилди.

Партия фракцияси аъзоларининг сайлов округларидаги бундай учрашувлари оила институтини мустаҳкамлаш, маҳалла-нуроний-ёшлар уйғунлигини таъминлаш ва жамиятимизда ижтимоий ҳамжихатликни юксалтиришга хизмат қилмоқда.

**Фракция аъзоси Дилрабо Халбоева** Тошкент туманидаги «Қизғалдоқ» маҳалласида бўлиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси, хусусан, "Менинг боғим" лойиҳаси доирасида ажратилган ер майдонларидаги ҳолат ва амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, туманининг бир қатор маҳаллаларида жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда хавфсиз муҳитни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди. Шу муносабат билан профилaktika инспекторлари ва маҳалла раислари билан мулоқот ўтказилди.



Суҳбатлар давомида маҳалла вакиллари "Ҳуқуқбузарликлар профилaktikasi тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини янада такомиллаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш юзасидан қатор асосли тақлифлар билдирди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Елена Борисова Тошкент шаҳри Чилонзор туманида жойлашган "Fairytale" хусусий мактабгача таълим муассасасида бўлиб, унинг фаолияти билан танишди.



Олти ой муқаддам иш бошлаган мазкур муассаса уч қаватли янги бинада фаолият юритмоқда. Иншоотда болалар учун махсус ўйин майдончаси жиҳозланган. Боғча болаларни мактабгача ёшда ҳар томонлама ривожлантиришнинг бутунлай замонавий концепцияси асосида ташкил этилгани билан эътиборни тортади.

Муассасада табибёт хонаси, юқори сифатли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ошхона, интерактив доскали ўйин хоналари, болаларбоп санитария жиҳозларига эга ҳожатхоналар, сузиш ҳавзаси мавжуд. Шу билан бирга, қизлар учун хореография, ўғил болалар учун қаратэ машғулотларига мўлжалланган алоҳида заллар ҳам ташкил қилинган.

Танишув якунида Елена Борисова муассасада яратилган имкониятларга юқори баҳо берди. Депутатнинг таъкидлашича, бундай боғчаларнинг ютуғи фақат замонавий бино ва жиҳозлар билангина белгиланмайди.

– *Энг муҳими – болаларга чин қалбдан хизмат қиладиган малакали тарбиячилар жамоаси шаклланиши ҳамда тарбияланувчилар учун яратилган ниҳоятда қулай муҳитдир. Болаларнинг чехрасидаги қувонч, табассум ва бахт ифодаси – бу ердаги ишнинг асл сифат кўрсаткичидир, – деди депутат.*

"Адолат" социал-демократик партияси мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, давлат-хусусий шериклик асосида замонавий боғчалар тармоғини кенгайтириш ҳамда ёш авлодга муносиб шароит яратиш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда. Хусусий ташаббуслорлик асосида ташкил этилаётган бундай муассасалар оилаларга ўз фарзандлари учун сифатли таълим-тарбия муҳитини танлашда қўшимча имкониятлар яратиш билан бирга, мамлакатимизда мактабгача таълим қамровини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ.** "Адолат" СДП фракцияси аъзолари Мақсудбек Қўрбонбоев ва Тоҳир Полвонов Ҳазорасп туманидаги 2-сонли мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ўрганиш жараёнида муассасанинг умумий ҳолати, болалар учун яратилган шароитлар ҳамда таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилишини кўздан кечиришди.

Ташкилот биноси деворининг айрим қисмлари таъмирталаб ҳолатга келиб қолгани аниқланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.



**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ.** "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Муҳаммадхон Валиев Фарғона вилояти Данғара туманида бўлиб, ҳудудда фаолият юритаётган "Real Goal Forward" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан яқиндан танишди. Корхона раҳбарияти депутатга ишлаб чиқариш жараёни, технологик имкониятлар ва экспорт йўналишлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Бугунги кунда "Real Goal Forward" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қўшни мамлакатлар бозорларига экспорт қилинмоқда. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчининг рақобатбардошлигини намоён этиш баробарида ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга ҳам хизмат қиладиган ижобий жараёндир. Корхонада 100 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланган.

Шу билан бирга "Real Goal Forward" МЧЖда ногиронлиги бўлган шахслар ҳам ишлаб чиқаришга жалб этилган. Маълумки, ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатга бўлган ҳуқуқини амалий жиҳатдан таъминлаш, уларни жамият ҳаётига тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида жалб этиш "Адолат" партиясининг доимий эътиборидаги масалалардан биридир.

**"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Манзура Салимова** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда "Менинг боғим" лойиҳаси доирасида ишларнинг боришини ўрганиш мақсадида Ёзёвон туманидаги "Мустаҳкам дўстлик" маҳалласида бўлди.

Ўрганишлар давомида асосий эътибор маҳаллаларда тadbиркорлик муҳитини яхшилаш ва аҳоли учун қулай инфратузилма яратиш ишларининг ҳолатига, "Менинг боғим" лойиҳаси доирасида фуқаролар томонидан овоз бериш йўли билан танлаб олинган ашилл ҳудудларни барпо этиш жараёнига, ажратилаётган маблағларнинг манзилли сарфланиши ҳамда қурилиш-ободонлаштириш ишларининг сифатига қаратилди.



# Адолатга бахшида улрлар

## Фахрийларимиз – фахримиз

Юртимизда фахрийлар ва нурунийларни ардоқлаш билан боғлиқ халқимизнинг меҳр-мурувват ҳамда эзгулик хислатлари 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида яна бир бор намоён бўлмоқда. Сана муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси матбуот хизматининг бир гуруҳ ходимлари ўтган йиллар давомида жамиятда адолат тантанаси учун фидойилик намунасини кўрсатиб келаётган бир қатор фахрийлар билан учрашиб, улар билан партияимизнинг шонли тарихи, унутилмас лавҳалари, ғоя ва мақсадларимизнинг ҳаётдаги ижроси хусусида дилдан суҳбатлашди. Куйида фахрийларимизнинг хотиралари ва самимий мулоқотларидан бахраманд бўласиз.



Ўзбекистон “Адолат” СДП фахрийси, профессор **Жалимбой БОБОЕВ** партияимиз тарихининг илк саҳифаларини шундай эслайди:

– Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин кўппартиявийлик масаласи кун тартибига чиқди. Биз – ҳуқуқшунослар учун партиявий ҳаёт яқин масала эди. Академиядан Даминов домлани таклиф қилиб, бир нечта журналистлар билан бирга 1995 йилда “Адолат” социал-демократик партиясини тузишга қарор қилдик. Кенгашида менга партияимиз низоми ҳамда дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юкланди. Бир неча кун давомида ўтириб ишлаб, дастлабки лойиҳани тайёрладим. Муҳокамадан сўнг “Киночилар уйи”да партияимизнинг биринчи съезди ўтказилди. Съезд дастур ва низоми тасдиқлади ва шу тариқа “Ўзбекистонда “Адолат” социал-демократик партияси ташкил топди” деб эълон қилдик.

Профессор **Бобоев** партияимиз ғояларини қонунчиликка синдиришдаги хизматидан ҳам фахрланиб бундай деди:  
– Конституцияни қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этиб, қонун адолатли бўлиши, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши йўлидаги ғояларни синдиришга ҳаракат қилдик. Адолат қачон таъминланади? Қачонки қонун устуворлигига эришсак. Президентимиз ҳам бу масалани доимо кўтариб келади: қонун устуворлиги таъминланган мамлакатда коррупция ва жиноят чекинади. Буғун адолатчиларимиз шу йўналишда фаол меҳнат қиляпти. Жамиятимизни тўлиқ демократик, ҳуқуқий давлатга айлантириш жараёнини янада тезлаштиришда ўз ҳиссамизни қўйишимиз керак.

Партияимиз фаолиятининг ижтимоий йўналиши, айниқса, соғлиқни сақлаш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари фахрийларимиз эътирофига сазовор. **Қорақалпоғистон Республикасида 40 йил тиббиёт соҳасида меҳнат қилган Кеунимжой МАТЕКОВ** шундай ҳикоя қиладди:  
– 1995 йилдан 2004 йилгача “Адолат” социал-демократик партиясининг Қорақалпоғистон бўлиминини бошқардим. Партияимизнинг ғоялари, олдига қўйган мақсадлари юрагимга жуда яқин эди. 1995 йилда биринчи ташаббускор гуруҳ таркибида ташкилий конференцияни ўтказдик. Айниқса, мени тўлқинлантирган жиҳат – Республика эндокринология диспансеридеги беморларга, болаларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлардир. Ишонч билан айта оламнки, бу хайрли ишлар ҳали узоқ давом этади.



**Фаргона вилоятидан партия фахрийси Наримон ШОДИЕВ** соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқ ишларини санаб ўтди:

– Онкология шифокорлари партия фаоллари билан биргаликда рақ касаллигининг олдини олиш, уни даволаш мақсадида жойларга чиқиб, аҳолини қабул қилиб, манфаатли маслаҳатлар бериб келдик. Бу фаолият партия ташаббуси билан вилоятимизнинг барча туманларида баробар йўлга қўйилди. Бригада тарзида чиққан партия фаолларидан иборат шифокорлар одамларни кўридан ўтказиб, касалликларини аниқлаб, даволашга киришдилар. Шу билан бирга, катаракта касаллиги бўйича ҳам партияимиз ажратган маблағлар вазелига одамларимизнинг кўз нуруни қайта тиклаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.



“Адолат” СДП Фахрийлар кенгаши раиси, Тошкент вилоятидан **Камалжон ШАДИМЕТОВ** партияда ишлаган йилларини катта мактаб деб таърифлайди:

– Партияда ишлаганим менга жуда катта мактаб бўлди, кўп нарсани ўргандим. Адолатга бўлган муносабат, адолатчи бўлиш – аҳоли муаммоларининг кўпи айнан партия фаолияти орқали ўз ечимини топди. Партия фаоли, ходими, раиси, депутати сифатида қўллаб масалаларни ҳал қилишга ҳиссамиз қўшилди, ғояларимизни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилдик. Энг муҳими – партияимизга қизиқиб, аъзо бўлганлар сафи кенгайиб борди, буғун ҳам бу жараён давом этмоқда. Бу – партияимизга бўлган катта ишончнинг ифодасидир. Маҳаллий кенгашлардан тортиб Олий Мажлисгача – депутатларимиз сони ортди, фракцияимиз кучли, муаммолар масалалар ечимида ўз асосли таклифларини киритаяпти.



Ўзбекистон Қажрамони, Қашқадарё вилоятидан партияимиз фахрийси **Муҳаббат ШАРАПОВА** узоқ йиллик педагогик меҳнат йўлида партияимизнинг муаллимлар жамоаси билан олиб борган ишларини миннатдорлик билан эслайди:

– Кўп йиллар педагогик жамоада меҳнат қилганим менга бир ҳақиқатни аналанди: ҳақиқий ислохот мактаб остонасидан, ўқув хоналаридан бошланади. “Адолат” партияси сафига қўшилганимдан буён биз – фахрийлар ва партия фаоллари вилоятимизнинг чекка туманларидаги мактабларга мунтазам бориб, ўқитувчиларнинг кундалик ташвишларини жойида ўрағиб, уларга ечим топишга интилдик. Бу қишлоқ мактабида дарс бераётган ёш муаллимларга маънавий ёрдам бериш бўлдики, методик қўмакми, баъзи ҳолатларда моддий қўллаб-қувватлашимиз – бу йўналишда партияимиз изчил ҳаракат қилди. Айниқса, педагогик масъулиятини тўла бажараётган аёл ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари, уларнинг касбий ўсиши учун “Адолат” депутатлари маҳаллий кенгашларда ҳам, парламент миқобида ҳам ўз сўзини, таклиф ва ғояларини билдириб келди. Шогирдларим орасида буғун партия сафида фаол меҳнат қиляётган ўқитувчи-педагоглар сафи йил сайин кенгайиб бораётганини кўраб эканман, танлаган йўлимиз тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Партияимизнинг кучи айнан мана шу – оддий устоз, оддий шифокор, оддий меҳнатқаш билан тиллаша олганидандир.



Партияимиз ғояларининг қонунчиликка айланиш жараёни хусусида **Самарқанд вилоятидан партия фаоли Каттақўрғон шаҳар ҳокими Гавҳар АЛИМОВА** батафсилроқ тўхталди:

– Партияимизнинг Сайловожди дастурларидаги ғоялар буғунги кунда амалий ижросини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига “Ижтимоий давлат” тушунчасининг киритилиши алоҳида аҳамиятга эга. Олий таълимни ривожлантириш, давлат-хусусий шерикчилиги бўйича лойиҳалар амалга оширилиши, Таълим тўғрисидаги қонун, Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун, Педагог мақоми тўғрисидаги қонун – буларнинг ҳар бирида партияимизнинг ўз ўрни ва ҳиссаси бор. Зеро, ижтимоий тенглик – тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир. Партияимиз ана шу тамойилни изчил илгари сурмоқда.



**Андижон вилоятидан партия фахрийси Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ** ёшлар орасидаги тарбиявий ишларга алоҳида аҳамият қаратади:

– Биз “Адолат” партияси аъзолари сифатида мактабларда учрашуларда қатнашамиз. Ёшлар, ота-оналар билан суҳбатлашиб, партия ҳақида ҳам гаплашамиз. Ҳар бир партия аъзоси ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унга интилиши, халқининг фаровонлиги учун хизмат қилиши керак. Биз ёшлар билан суҳбатларда айнан шу ғояларни синдиришга ҳаракат қиламиз.



**Наманган вилоятидан партия фахрийси Мусоҳон АППАҚОВ** эса устозлардан олган сабоқларини миннатдорлик билан эслайди:

– “Адолат” партиясидаги фаолиятимда, депутатлик ишимда жуда кўп устозлардан сабоқ олдим. Икромхон акадан, Баҳодир Турсуновдан кўп нарсани ўргандим. Буғун ўзим ҳам ёшларимизга шу ғояларни етказаяман: қайси партия манфаатини ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, аввало, унинг мақсадларини яхшилаб ўрганишингиз, фикр-мулоҳазаларингизни билдиришингиз ва уни халқ ичиде ёйишингиз керак. Биз адолатли ҳаёт, аҳолимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун ҳамisha елкама-елка хизмат қилдик, ҳозир ҳам бу вазифани сидқидилдан бажаряпмиз.



**Хоразм вилояти мусиқали драма театри директори, партия фахрийси Динара ИБРАГИМОВА** партияга қандай қилиб аъзо бўлгани ҳақида шундай ҳикоя қиладди:

– Партияимизнинг хайрли ишларини кўриб, ўзимда қандайдир интилиш пайдо бўлган. 2009 йилда бир тадбирни чиройли амалга оширганамиздан кейин мени партия офисига таклиф қилишди. Йилги ишларга, тадбирларга мунтазам қатнашиб юрардим ва шу тариқа “Адолат” партиясини ўзим учун келажак йўлим, деб танлаганман.



Шу тариқа, партияимизнинг бугунги муваффақиятларига муносиб ҳисса қўшган кўлаб фахрий устозларимиз билан суҳбатлашимиз, ўтган даврлардаги фаолиятни хотираш – ҳар биримиз учун ҳам ўрнак, ҳам сабоқ бўлди. Ушбу суҳбатимиз орқали биз кўзлаган мақсаднинг кичик бир қисмига эришдик, хоас. Шу боис фахрийларимиз билан мулоқотларни нафақат 9 май айёмида, балки йил давомида мунтазам ташкил этиб, эътиборингизга ҳавола қилиб боришни мақсад қилганмииз.

Зеро, адолатчи фахрийларимизнинг суҳбатлари, уларнинг бой тажрибаси, хотиралари ва салоҳияти барчамиз учун қадри, қиммати ва манфаатидир. “Адолат” социал-демократик партияси, унинг депутатлик корпуси, бир миллион нафардан зиёд аъзоси – “Адолат ҳар бир инсон учун”, “Куч – адолатда” каби ҳаётбахш ғоялар ижроси учун хизмат қилар экан, ўз умрини шу эзгу мақсадларга бахшида этган фахрийларини доимо қадрайдми, шараф билан хотирайдми.

**ДОИМО СОҒ БЎЛИНГ, АЗИЗ УСТОЗ “АДОЛАТ” ЧИААР!**

Ўзбекистон “Адолат” СДП матбуот хизмати



## ҚАДР ВА ЭҲТИРОМ –

## инсонпарварликнинг олий мезони



9 май – Хотира ва қадрлаш куни юртимизда йилдан-йилга кенг нишонланиб, уруш ва меҳнат фахрийларига, нурунийларга, жамият ривожига ҳисса қўшган инсонларга юксак эҳтиром ва эътибор кўрсатиш анъанага айланган. Бу сана ўтмишга ҳурмат, бугунги кунга шукроналик ва келажакка ишонч рамзидир.

### Шаҳноза СОАТОВА, Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида ушбу сана муносабати билан турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, хайрия акциялари, концерт дастурлари ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Жиззах вилоятида бўлиб ўтди.

“Адолат” социал-демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун Жиззах санаторийида “Қадр ва эҳтиром – инсонпарварлик белгиси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Мазкур тадбир партиянинг Сайловожди дастурида белгиланган ижтимоий ҳимояни кучайтириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда партиянинг Жиззах вилоят кенгаши фаоллари, Жиззах шаҳар маданият бўлими вакиллари, нурунийлар, шунингдек, санаторийда даволаётган кексалар иштирок этдилар. Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган тадбирда инсон қадрли, кекса авлодга эҳтиром, меҳр-оқибат каби қадриятлар алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда сўзга чиққан партиянинг вилоят Кенгаши раиси Ориф Шукоров юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон манфаатлари турганини таъкидлаб, айниқса, кекса авлод ва эҳтиёжманд қатлам вакилларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кайд этди.



– Буғунги кунда мамлакатимизда “Инсон қадрли учун” деган улуг тамойил асосида кенга қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кексаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлаш – нафақат давлат, балки жамиятнинг ҳам муҳим вазифасидир, – деди О.Шукоров.

Шу билан бирга, партия томонидан амалга оширилаётган ижтимоий лойиҳалар, жумладан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ташаббуслар ҳақида ҳам маълумот берилди.

“Адолат” СДП томонидан ҳам ижтимоий адолат тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жойларда ўтказилаётган ана шундай тадбирлар эса бу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбир доирасида иштирокчилар учун концерт дастури ҳам ташкил этилди. Миллий куй-қўшиқлар, рақслар нурунийларга кўтаринки кайфият бағишлади. Уларнинг чеҳрасидаги мамнуният ва қувонч барчанга руҳлантирди.

Шунингдек, тадбир давомида кексалар ва нурунийлар мазмунли ҳордиқ чиқариб, шахмат ва шашка уйинларида ҳам фаол иштирок этдилар. Бу эса уларнинг нафақат кайфиятини кўтарди, балки дўстона мулоқот ва самимий муҳитни янада мустаҳкамлади.

Тадбир якунида партия томонидан кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга эсдалик совғалари топширилди. Бу эътибор ва ғамхўрлик, шубҳасиз, уларнинг қалбиде илқ туйғуллар уйғотди.

**Беркин Мавлонов, санаторий даволанувчиси:**  
– Буғунги каби эътибор ва ғамхўрликни кўриб, инсон ўзини ҳақиқатан ҳам қадрли ва эъзозланган ҳис қиладми. Биз каби кексаларни унутмасдан, ҳолидан хабар олиб туриш, дуосини олиш – бу инсонийлик ва юксак қадрли белгиси. Айниқса, бундай тадбирларни ташкил этиб, кексаларга алоҳида эътибор қаратаётган “Адолат” СДП Жиззах вилоят кенгаши вакилларидан миннатдоримиз. Буғун яратилган шароитлар, даволаниш ва дам олиш имкониятлари, энг муҳими, одамларга бўлган эътибор қалбимизни қувонтирмоқда.

Кексаларни эъзозлаш, уларнинг дуосини олиш – халқимизга хос эзгу анъаналардан биридир. Ана шу қадриятларни асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга етказиш эса барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Шундай экан, “Қадр ва эҳтиром – инсонпарварлик белгиси” шиори остида ўтказилаётган бундай тадбирлар нафақат бир сана доирасида, балки йил давомида изчил давом эттирилиши жамиятимиз тараққиёти ва маънавий юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз.

# “Эртанги кун унун бугун масъулмиз:

## ТАБИАТГА МУҲАББАТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ”

“Batareykalar.uz” лойиҳаси асосчиси, ёш парламентарий Ферузбек САЙФУЛЛАЕВ билан суҳбат

Экология мавзуси ҳақидаги гапни ваҳимали статистикалар, глобал иссиҳ ёки экологик ҳалокатлар ҳақидаги оғир чақириқлардан бошлашга ўрганиб қолганмиз. Аммо она табиатга бўлган муносабатни фақат қўрқув ёки мажбурият туйғуси билан шакллантириб бўлмайди. Зеро, бугунги замондошларимиз табиатни асраш ҳар бир хонадан, ҳар бир шахсий одатдан бошланадиган ҳаётий зарурат эканини англаб етмоқда. Муҳими – бефарқ бўлмаслик. Жамиятимизда шундай ёшлар борки, улар нафақат муаммони кўра олади, балки унинг ечими учун масъулиятни ўз зиммасига олишдан ҳам чўчимайди. Шу сабаб, бу галги суҳбатимизга экология соҳасидаги амалий лойиҳалари ва қатъий позицияси билан нафақат тенгдошларига, балки катталарга ҳам намуна бўлаётган экофаол, “Табиат ҳимоячиси” кўкрак нишони соҳиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти кўмити раиси Ферузбек Сайфуллаевни таклиф қилдик.

– Бугунги кунда жамиятимиз ижтимоий ҳаётда фаол, экология соҳасининг кузга кўринган ёш вакиллари билан бирисиз. Одатда, табиатга бўлган муҳаббат инсонга болаликдан сингдирилади. Даставвал ўзингиз ҳақида, бу борадаги хотирларингиз билан бўлишсангиз...

– Таклиф учун раҳмат. Бухоронинг Когон шаҳриданман. Тўғри таъкидладингиз. Фирқимча, бундай муносабат ҳар биримизнинг тарбиямиз, дунёқарашимиз кўзгусидир. Болалигимни эсласам, кўз олдимга беихтиёр онамнинг ишончаси – “Келажак маркази” (собиқ “Баркамол авлод” болалар жойидиёт маркази) келади. Мактабдан чиқишим билан онамнинг олдиларига ошқардим. У ерда ўша пайтлари жуда машҳур бўлган экология тўғрисида фаолият юритарди. Марказдаги турфа хил ўсимликларни парвариш қилиш, терариумдаги жонотларни кузатиш мен учун сеҳрли бир олам эди. Афсуски, бугунги кунда бу каби жонли табиат бурчаклари ва ихтисослашган тўғрақлар қолмаган.

Аммо айнан ўша муҳит менда атроф-муҳитга бўлган илқ меҳрини уйғотган, деб ўйлайман. Откам эса бизга тирик жонотларга нисбатан масъулиятга, бобом бўлса ер билан тиллашшига ўргатдилар. Ток боғлашдан тортиб, картошка, жўхори, помидор ва бодринг екишгача – барини эринмай кўрсатардилар. Мана шу оилавий муҳит ва ўсимликлар дунёсига бўлган ҳурмат менинг шахс сифатида шаклланишимга ва бугунги экологик қарашларимга мустаҳкам пойдевор бўлган. Менимча, тажрибали эколог сифатида шаклланиш учун, аввало, инсон қалбига табиатга нисбатан мана шундай болаларча беғубор муносабат бўлиши лозим.

– Соҳага кириб келишингизда “Эколог” жамоат бирлашмасидаги фаолиятингиз муҳим аҳамиятга эга бўлган. Сизнингча, табиат муҳофазасида фуқаролик жамияти институтларининг ўрни қандай? Экологик муаммоларга нисбатан жамоатчилик назоратининг кечаги ва бугунги ҳолати ўртасида қандай фарқларни кўряпсиз?

– Ҳақиқатан, буни мактаб вази-фасини ўтади, дея оламан. Фаолиятимизни 2014 йилда устозимиз Наргис Қосимова бошчилигида “ekolog.uz” сайтини юритишдан бошлаганимиз. Саккиз йил давомида тўрт тилда – ўзбек, рус, инглиз ва қорақалпоқ тилла-

рида экологик муаммоларни ёритиб, жамоатчилик эътиборини жалб қилдик. Бироқ, вақт ўтиши билан фақат муаммони кўтариш кифоя эмаслигини, унга амалий ечим ҳам кераклигини англадик. Шу сабабли, 2022 йилда фаолиятимизни янги bosqichga олиб чиқиб, сайтни нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) сифатида рўйхатдан ўтказдик. Бу бизга нафақат гапириш, балки халқаро ва маҳаллий грант лойиҳаларида иштирок этиб, муаммоларга молиявий ва техник ечим топиш имконини берди.

Мен жамоатчилик институтларини “хукуматнинг ёрдамчи қўллари”, деб биламан. Биз давлат этиб бора олмайдиган ёки эътибордан четда қолган нуқталарни кўрашимиз ва тезкор чора кўришга интиламиз. Утган давр мобайнида кенг қўлланма кўчат екиш акциялари, зиёратгоҳларда қушлар учун инлар ва озиклантиригичлар ўрнатиш, “плогинг” (югуриш ва чиқинди йиғиш) тадбирлари, эко-волонтерлар мактаби ва “Яшил мактаб” лойиҳалари, журналист ва блогерлар учун махсус тренинглари, ижтимоий роликлар ва қўлланмалар яратиш каби қўллаб-қўллаган ишларни амалга оширдик. Ҳатто хорижий волонтерлар билан ҳамкорликни ҳам йўлга қўйдик. Бироқ фуқаролик жамияти институтлари ривожига ҳали ҳам тўсиқлар мавжуд.

Энг асосийси – инфратузилма ва доимий бино масаласи. ННТлар уйлари бор, лекин у ердаги жойлар ҳамма ташкилотлар учун етарли эмас. Доимий офиснинг йўқлиги, тез-тез кўчиб юриш фаолиятимиз самарадорлигига салбий таъсир қилади. Агар биз каби фаол ташкилотлар доимий ва замонавий техник база билан таъминланса, лойиҳаларимиз кўлами ҳозиргидан бир неча баробар кенгайган бўлар эди, деб ўйлайман. Жамоатчилик назоратининг кечаги ва бугунги ҳолати ўртасида эса бирмунча фарқ катта: бугун бизни эшитишга, биз билан ҳисоблашишга. Эндики қадам – фаол жамоатчилик вакиллари кўллаб-қувватлашнинг институционал механизмларини янада такомиллаштиришдир.

– Сиз асос солган “Batareykalar.uz” лойиҳаси ижтимоий тармоқларда ҳам, амалда ҳам анча шов-шув бўлди. Битта батарейканинг тупроқ ва сувга етказадиган зарари ҳақида кўп гапирамиз, лекин уни тизимли йиғиш масаласи мурраккаб. Лойиҳанинг бугунги натижалари қандай? Давлат ёки хусусий сектор томонидан етарли қўллаб-қувватлаш бўляптими?

– Ушбу лойиҳани эколог сифатидаги “юрагим” десам ҳам бўлади. Биз унга 2025 йилнинг 5 июнида – Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш кунидан старт берган эдик. Бошида кўпчилик ишонсизлик билан қараб, “Сенга ким ҳам ишлатилган батарейкасини олиб келарди?” деб устимдан қулган ҳам эди. Бироқ бугун ўша инсонларнинг ўзлари янглишганини тан олиб, лойиҳанинг аҳамиятини тушуниб етишди. Наттижада тўхтапсак, дастлаб 100 та қабул қилиш пункти билан бошлаган бўлсак, бугунги кунда уларнинг сони 200 тага етди ва вилоятларни ҳам қамраб олди. Ҳозирчага 4 тонна ишлатиб бўлинган батарейкаларни тўплашга муваффақ бўлдик. Бу – табиатга етказилиши мумкин бўлган улкан зарарнинг олди олинди, дегани.

Биласизми, биттагина оддий батарейка тупроққа тушса, 400 литр ер ости сувини ва 20 квадрат метр ерни захарлайди. Яна давом этадиган бўлсак, 2 та типрикан ва 3 та дарахтиники нобуд бўлишига сабаб бўлади, 10 мингга яқин ёмғир чувалчанларини кириб юбориши ҳеч гапмас. Тўғри, бу чиқиндилар радиоактив бўлмаслиги мумкин, аммо ўта захарли (токсик) ҳисобланади. Юртимизга йилга 19 минг тонна батарейка кириб келишини инобатга олсак, бу борада тизимли ишлаш нақадар муҳимлигини сиз ҳам пайкайсиз. Албатта, қийинчиликлар ҳам йўқ эмас. Энг катта муаммо – аҳолининг эко-маданияти. Баъзан урналарда “Фақат батарейкалар учун” деб ёзиб қўйилган бўлса-да, одамлар ичига нам салфетка, сақич ёки чек қозонларини ташлаб кетишади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳали батарейкаларни қайта ишлайдиган завод мавжуд эмас. Ҳозирча биз “NoWaste” МЧЖ компанияси мутахассислари, Экология вазирлиги ҳамда Чиқиндиларни бошқариш агентлиги кўмағида ишлаяпмиз. Тўпланган батарейкаларни етарли ҳажмга етгач, Қозғонотга қайта ишлашга юриштирилган режалаштирганмиз, лекин бу логистик жиҳатдан жуда қimmatга тушади. Бизга маҳаллий қайта ишлаш қувватлари зарур. Лойиҳамизнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи – ёшлар. Шунингдек, эко-фаол Мўстабар Хушвақтова билан биргаликда ҳар ойнинг учинчи шанбасида “Яшил уйим” эко-фестивалини ўтказамиз ва у ерда ҳам батарейкаларни қабул қиламиз. Ҳар бир фуқаро яқин атрофдаги пунктини бизнинг www.batareykalar.uz сайтимиз орқали осонгина топиши мумкин. Биз янгилик сифатида кириб келдик ва жамиятнинг бу тизимга тўлиқ мослашиши учун вақт керак.



– Экологияни асрашда фақат таққ ва жарималар билан натижага эришиб бўлмайди. Сизнингча, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида “эко-маданият”ни шакллантириш учун, энг аввало, нима қилиш керак? Масъулиятни ҳис қилиш таълим тизимидан бошланиши керакми ёки оиладан?

– Кўпчилик орасида “халқимизнинг экологик маданияти паст” деган мазмундаги гап-сўзларни тез-тез эшитиб қолам. Аммо бу фикрга мутлақо қўшилмасдим. Халқимиз азалдан табиатга меҳрли бўлган. Масалан, “Бир ниҳол эксанг, мевасини етти авлодинг ейди” дейишади. Бу ибора халқимизда узоқни кўзлаб иш тутиш ва табиат олдидаги масъулият нақадар юқори бўлганини кўрсатади. Илгари одамлар фақат ўз уйи ичини эмас, балки уйнинг атрофи, кўчани ҳам озода тутишга интилишган. Зеро, маҳалла озодалиги оиланинг юзи, деб билинган. Арик ва зовурларга чиқинди ташлаш энг катта гуноҳлардан бири саналган. “Бир дарахт кессанг, ўнта ниҳол эк” – халқимиз “яшил қоплама”ни йўқотишнинг оқибати яхши бўлмаслигини азалдан яхши англаган.

Ёки бўлмаса, бизда “увол бўлади” деган жуда теран тушунча бор. Суви беҳуда оқизиш, ноннинг ушғини ерга ташлаш ёки табиат неъматларини исроф қилиш увол ҳисобланган. Демак, муаммо маданиятга эмас, балки экологик билим ва саводхонликнинг етисмаслигидир. Қанчони инсон белгиланмаган жойга улоқтираётган пластик идиш неча юз йил давомида парчаланмаслигини, ундан ажралаётган микропластиклар охир-оқибат ўзининг соғлиғига зарар етказишини англаб етса, ана ўшанда у масъулиятни ҳис қилади ва идишни ахлат қутисига ташлайди. Маданият эса билим орқали шаклланади. Бу борада иккита муҳим йўналишни ислоҳ қилишимиз шарт. Биринчидан, тарғибот тизими. Телеканаллар, метро ва автобуслардаги мониторларда экологик ижтимоий роликлар доимий ва бепул намойиш этилиши керак.

Биз каби фаоллар тайёрлаган, халқаро талабларга жавоб берадиган роликларни эфирга беришда баъзан тўсиқларга дуч келамиз. “Биз сизни машҳур қилиб қўямиз, бу реклама бўлади” деган баҳоналар билан рад этишади. Ваҳоланки, бизга машҳурлик керак эмас, бизга тоза атроф-муҳит керак! Бундай фикрлаш – эртанги экологик фалокатга кўз юмиш билан баробар. Иккинчидан, таълим ва тарби-

янинг узвийлиги. Кўпчилик экологик тарбияни бочка ёки мактабдан бошлаш керак дейди. Тўғри, болаларга илм берамиз, чиқинди саралашни ўргатамиз. Лекин бола уйига борганда, ота-онаси унга шароит яратиб бермаса ёки “бошимни оғритма” деб кўл силтаса, мактабда берилган билим амалиётда ўлади.

Шу боис, нафақат болаларни, балки параллел равишда катталарни ҳам тарбиялашимиз шарт. Таклифим шуки, Бандлик вазирлиги ва бошқа давлат ташкилотларида ҳафтада бир марта бир соатлик мажбурий “Экология соатлари” жорий қилиниши керак. Бугунги кун одами фақат “иккита нон топиш” ташвиши билан ўралашиб, глобал муаммоларга бефарқ бўлиб қолган. Биз катталарнинг ҳам экологик онгини уйғотмас эканмиз, фақат таълим тизими билангина кўзланган натижага эриша олмаймиз.

– Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида тегишли кўмитага раислик қиласиз. Ёш парламентарий сифатида экологик қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қандай ташаббусларни илгари суряпсиз? Кўмитангиз ижро ҳоқимияти ва ёшлар ўртасида қандай кўприк вазифасини ўтаяпти?

– Энг биринчи ва муҳим вазифам – анчадан бери ишлаб чиқилиб, лекин қабул қилиниши кечикаётган “Хайвонларни шафқатсиз муносабатдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қайта кун тартибига олиб чиқиш бўлди. Нега деганда, бугун ижтимоий тармоқларда ёшлар томонидан жонотларга нисбатан кўрсатилаётган шафқатсизлик акс этган видеоларни кўрганда, инсон сифатида дилми оғрийдим. Бундай ҳолатлар жамиятда нафақат экологик, балки маънавий-ахлоқий инқироз кучаяётганидан далolat беради. Шу сабабли, қонунчиликда жазо муқаррарлигини таъминлашни ҳозирги даврнинг кечиктириб бўлмас талаби, деб ҳисоблайман. Қолаверса, биз фақат қонун ижодкорлиги билан чекланиб қолмай, амалий ишларга ҳам алоҳида урғу беряпмиз.

Масалан, Бектемир туманидаги 358-мактаб ҳудудига 300 га яқин павлония кўчатларини екиб, “Ёшлар боғи”ни ташкил қилдик. Бу боғ келгусида нафақат маҳалла микроклиминини яхшилайдими, балки ўқувчилар учун “жонли лаборатория” вазифасини ҳам ўтайди.

Яна бир муҳим ташаббусимиз – “Фаол эко-жамоа 2026” кўрик-танлови

бўлди. Бу лойиҳа орқали биз юртимизнинг турли бурчакларидаги интилувчан ёшларни кашф этдик. Яқин кунларда танлов голибларини рағбатлантириш мақсадида Бухоро вилоятига экологик-маърифий саёҳатга олиб борамиз. Шунингдек, Ёшлар парламенти аъзолари билан биргаликда “плогинг” акцияларини аънаъга айлантирганмиз. Бу билан биз “Парламент ёшлари табиатга ёрдам беради” тамойилни амалда кўрсатишга интиляпмиз. Албатта, қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп, аммо бизнинг кўмита ижро ҳоқимияти ва ёшлар ўртасида шунчаки “кўприк” эмас, балки янги гоғлар ва тизимли ечимлар ишлаб чиқувчи марказга айланишини чин дилдан истардим.

– Келгуси беш йилликдаги режаларингиз қандай?

– Айни дамда иккита янги йирик лойиҳа устида иш олиб боряпман ва яқин орада уларни жамоатчиликка тақдим этиш ниятидаман. Келгуси беш йилликдаги стратегик режаларимиз тўхталмаган бўлсам, уларнинг энг асосийси – Ўзбекистонда ишлатилган батарейкаларни қайта ишлайдиган илқ замонавий завод қурилишига эришишдир. Бу юртимиз экологик ҳафсизлигини учун тарихий қадам бўларди. Шунингдек, кўчада қолган, химояга муҳтож хайвонлар учун халқаро стандартларга мос келадиган, меҳр ва ғамхўрлик муҳити яратилган бошланалар (приютлар) тармоғини барпо этишни мақсад қилганман.

Биласизми, менинг яна бир эзгу орузим бор... Агар келажакда имкониятларим янада кенгайса, иқтидори бор, аммо молиявий қийинчилик сабабли тўлов-контрактларини тўлолмай, ўқини ташлаб кетишга мажбур бўлаётган ёшларни қўллаб-қувватлашни истайман. Чунки ўз вақтида мен ҳам шундай мурраккаб вазиятларни бошимдан ўтказганман ва бу қанчалик оғир эканини яхши биламан. Зотан, илмли ёшлар — миллатнинг эртасидир. Сўзим яқинда шуни айтмоқчиманки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Табиатимиз инсонларнинг бефарқлигидан эмас, балки меҳрдан куч олсин. Ҳар бир юрдошимиз ўзи яшаб турган заминни асрашни ўз бурчи деб билса, биз, албатта, яшил ва бахтли келажакка эришамиз.

– Мазмунли мулоқот учун ташаккур!

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ суҳбатлашди

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материалларини тайёрлаш ва харид қилиш бўйича кўйидаги тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материаллари учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материалларини номи	Сони
1.	Партия логотипи туширилган оқ рангдаги футболка (46-56 ўлчамларда)	1 000 дона
	Партия логотипи туширилган оқ рангдаги кепка, темирли мослаштирувчи билан	1 000 дона
	Қоғоз пакет: ўлчами 305*250*90 мм, қоғоз 190гр картон, ранги 2 (пантон)+0+ламинация матовий, арқони оқ ранг, 5кг	1000 дона
	Партия логотипи туширилган оқ ва кўк рангли блокнот А5 форматда, ён тарафдан пружина билан мустаҳкамланган	1000 дона
	Партия логотипи туширилган пружинали, алюмин корпусли, пластик қопламали, оқ, қизил ва кўк рангдаги, диаметри 10мм, узунлиги 137мм шарикли ручка	1000 дона
	Икки тарафлама партия логотипи туширилган ўлчами 15*25 см, оқ рангли атлас матодан байроқ, зангламайдиган (нержавейка) темир ўзақли тағлиги билан	40 дона
	Бир тарафлама партия логотипи туширилган ўлчами 1,0*1,5 метрли оқ рангли шёлк матодан байроқ, 2 метрли ёғоч таёқчаси билан	20 дона
	Бир тарафлама партия логотипи туширилган ўлчами 50х35 см, оқ рангли шёлк матодан байроқ, 0,70 метрли ёғоч таёқчаси билан	20 дона

БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Танловда кўйидаги талабларга жавоб берадиган юридик шахслар иштирок этиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонуний рўйхатдан ўтган бўлиши;
- тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материалларини тайёрлаш бўйича тажрибага эга бўлиши;
- молиявий ва техник имкониятларга эга бўлиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги;
- лицензия ёки руксатнома талаб этиладиган фаолият турлари бўйича тегишли ҳужжатларга эга бўлиши.

Кўйидаги даъвогарларнинг таклифлари танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва уларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

- қайта ташкил этиш, тутатилиш ёки банкротлик боскичига бўлган;
- барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- илгари тузилган шартнома (битим)лар бўйича қабул қилинган мажбуриятларини лозим даражада бажармаган;
- танлов эълон қилинганга қадар таъсис этилганга олти ой бўлмаган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилган.

Иштирокчилар кўйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

Танловда иштирок этиш учун арiza; Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганини ҳақиқати гувоҳнома нусхаси; Тижорат таклифи (нарх, қафолат муддати, бажариш муддати); Илгари бажарилган ўхшаш ишлар тўғрисида маълумотлар; Бошқа зарур ҳужжатлар (танлов ҳужжатларига мувофиқ).

Танлов таклифларини тақдим этиш тартиби ва муддати:

Танлов таклифлари 2026 йил 18 май соат 18-00 га қадар, “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати биноси (Манзили: Чилноз тумани, Шарк тонги кўчаси, 23-уй) да жойлашган Танлов комиссиясига муҳрланган конвертда топширилади.

Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материаллари учун танлов 2026 йил 20 май соат 15:00 да партиянинг Марказий аппарати биносидан бўлиб ўтади.

Танловни ўтказиш ва баҳолаш:

Танлов таклифлари нарх, сифат, техник мувофиқлик, қафолат ва бажариш мuddатлари асосида баҳоланади. Танлов натижалари бўйича голиб билан белгиланган тартибда шартнома тузилади.

Эътибор: Тижорат таклифларида етказиб бериладиган тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материалларини тайёрлашнинг энг қисқа мuddатлари кўрсатилиши шарт. Сифати талабга мос келмаган ва сифат комиссияси қабул қилмаган тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материаллари учун пул туланимайди.

Молиялантириш манбаи: Партия маблағлари, келгусида маблағларнинг сарфланиши бўйича Ҳисоб палатасининг текшируви бўлиб ўтиши белгиланган.

Буюртмачи томонидан тарқатма ва тарғибот-ташвиқот материаллари сони ва ҳажмига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Кўшимча маълумот: Танлов бўйича қўшимча маълумотларини (71)2884208 (111), (93)2021404 ва (90)1291221 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.



# Тинчлик – ЭНГ КАТТА ҒАЛАБА

Иккинчи жаҳон уруши инсониятга оғир қулфат, беқиёс йўқотиш ва чексиз дард олиб келган фожаиладир. Бу қирғинбарт уруш нафақат мамлакатлар тақдирини, балки бутун бошли авлодлар қисматини ўзгартириб юборди. Фронтларда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлди, қанчадан-қанча оилалар азизларидан жудо бўлди, қанчадан-қанча болалар етим, оналар фарзанд доғида қолди.

Бу урушда ўзбек халқи мислсиз жасорат намунасини кўрсатди. Юз минглаб юртдошларимиз фронтларда мардонавор жанг қилиб, Ватан ва инсоният озодлиги учун жон фидо этди. Фронт ортида қолганлар эса туну кун меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Энг муҳими, ўзбек халқи уруш оловидан қочиб келган минглаб етим болаларни бағрига босиб, бутун дунёга меҳр-оқибат, бағрикенглик ва инсонпарварликнинг юксак намунасини намойиш этди.

Бугун ана шу даҳшатли йилларни ўз кўзи билан кўрган, урушнинг тирик гувоҳи бўлган инсонлар сафининг кескин камайиб бораётгани ҳар биримизни ўйга толдиради. Наманган вилоятида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бугун атиги икки нафар фахрий қолгани – вақтнинг беаёвлиги, тарихнинг тирик саҳифалари эса тобора қисқариб бораётганининг аниқ исботидир.

Уруш кўрган улуг инсонлардан бири – Янгиқўрган тумани Поромон қишлоғида истиқомат қилувчи 104 ёшли

## Муҳаммадиброҳим ота Иномов.

“Адолат” СДП туман кенгаши раиси Раҳимжон Тошматов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Рустамжон Мирзимонов нурунийнинг дуосини олиш ва ҳаёт йўлидан ибратли сабоқлар тинглаш мақсадида отахон хонадонидан бўлишди.

Муҳаммадиброҳим ота билан суҳбат жараёнида бир ҳақиқат яна бир бор аниқлашди: уруш ҳақида китоб ўқиш бошқа, унинг қонли ҳақиқатини кўрган инсоннинг оғзидан эшитиш бутунлай бошқа. Отахоннинг ҳар бир сўзида, ҳар бир нигоҳида, ҳатто сукутида ҳам урушнинг оғир излари мужассам эди.

У киши фронтда кечган машаққатли кунларни эслар экан, юзидан изтироб чекинмади. Чунки уруш – бу фақат тарих эмас, у тирик қолганлар қалбида ҳеч қачон битмайдиган ярадир.

– Урушни кўрмаган одам унинг ҳақиқий даҳшатини тасаввур қила олмайди, – деди Муҳаммадиброҳим ота суҳбат асносида. – Одамлар бир бўлак нон учун, бир қултум сув учун жон берган кунлар

бўлган. Ёнимизда кеча гаплашиб турган сафдошларимиз буун йўқ эди. Уруш – бу фақат қирғин, кўз ёши ва айрилиқ.

Нурунийнинг бу сўзлари ҳозирги тинч, осуда кунларимизнинг қадрини янада чуқурроқ ҳис этишга ундайди. Зеро, тинчлик – шунчаки бир ҳолат эмас, меҳнат қилиш имконияти, фарзанд тарбиялаш бахти, эркин нафас олиш саодати, юрт келажагини қуриш имконидир.

Бугунги ёш авлод учун фронтда жанг қилган отахонлар – бу фақат тарих китобларидаги қаҳрамонлар эмас, балки жасорат, сабр, матонат ва ватанпарварликнинг тирик тимсолидир. Уларнинг ҳаёт йўли – бутун бир авлод учун мактаб, ибрат ва маънавий меросдир.

Учрашувда партия вакиллари нурунийга эҳтиром ва эъзоз ифодаси сифатида совғалар топшириб, унинг дуосини олишди. Муҳаммадиброҳим ота эса юрт тинчлиги, халқ осойишталиги ва келажак авлод саодати учун самимий дуолар қилди.

Суҳбат сўнггида отахон қўлларини дуога очиб, чин қалбдан:

– Илоҳим, буенги ёшлар бахтига, фарзандларимиз тақдирига, юртимиз осмонига сира уруш сояси тўшмасин. Тинчлик бўлсин. Чунки тинчлик – энг катта ғалаба, – дея дуо қилди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

# “ФАРҒОНАНИНГ ҚУЛИМАН...”

Дунёда бир қарашингдаёқ яхши одамлиги билиниб турадиганлар бор дейишади. Йўлдош Сулаймон мана шундай топилмас, бу дунёга юз йилда бир марта келадиган инсонлардан эди.

## Абдуқоюм Йўлдошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Биз Ёзувчилар уюшмасида олти-етти йил бирга ишладик. Ҳар қалай, кимнинг аслида ким эканлигини билиб олиш учун бу муддат етиб-ортади.

Илк танишувимиз қизиқ кечган. Уша пайтлари ўзим ишлаб турган “Ёшлик” журналида бир қиссам босилгану, унда тангадек суратим ҳам берилганди. Йўлдош ака машқимни ўқигандан сўнг уошма билан бир бинода жойлашган журналимизга атай киради ва ташқи кўринишидан менга озорқ ўхшаб кетадиган, энг асосийси – мўйловли ҳисобчимизни бағрига босиб, асар билан қизгин кутлай кетади. Ҳисобчимиз – қувгина йигит – “Менам бир мактўв эшитай” деган ўйда қўлуқ қилиб тураверди...

Ишқилиб, қиссани битган каминано, уч-тўрт ҳафта мубайнида олқишларни ҳисобчимиз эшитиб юрди. Алоҳа, бош муҳарриримиз Собир Унар юмшоқлик билан айтган шекилли, Йўлдош аканинг ўзи эринмасдан хонамизга қайтадан келиб, кула-кула энди ростакими танишиб кетди. Шу баҳона анча яқин бўлиб қолди.

Мен уша пайтлардаёқ “Вафо”дай романнинг, қўлаб тилга тушган шеърларнинг муаллифи бўлган адибнинг бу қадар самимийлиги, соддалигидан ҳайрон бўлгандим. Фурсат ўтган сайин бу ҳайронлик ҳайратга айланаверди...

Ҳа, ҳайратланмай илож йўқ эди. Тўғриси, бунақанги сарҳад билмас бағрикенглик, меҳр бизнинг қўлимиздан келмасди ҳам. Ҳар бир катта-кичик қаламқашга зўр эҳтиром билан муносабатда бўлиш, “улугим” деб эъзозлаш, ёзганларидан олган олам-олам таассуротларини ҳаяжонланиб баён қилишга шошиш... Назаримда, Йўлдош ака ҳар бир ижодкорда буюқ истеъдод учқунини кўрарди, унинг ловуллаб аланга олишини жон-дили билан эстарди. Айни пайтда уларнинг ёзганларига нисбатан беҳад камтар-хоқисор эди, уллардан гап очиб қолсангиз “Ҳа, энди бизники шунчаки...” дерди-да, мавзуну яна отилиб чиқиб келаётган бирон янги истеъдодга бўриб юборарди. Қани энди бу иктидорлар сафи тугасал! Икки марта Зомин семинарида бўлдик. Ҳар сафар Йўлдош аканинг ёш иштироқларига гўё эрта-индин адабиёт осмонига юлдуз бўлиб порлайдиган салоҳият эгаларини кўраётгандай улғу бир ишонч билан термулиб қолишларини кўрганман. Ҳамон эсимда, Йўлдош ака оdatига кўра ҳаяжонланиб-тўлиқиб келиб, “Самарқандлик талаба рўмон эзибди! Уқидим. Зўр!” дея биздан суюнчи олишга шошди, то бу йигитнинг асари журналда эълон қилингунга қадар муаллифини мактайвериб эси кетди...

Тан оламан, асқиянинг нозик ҳижатларини унчалик тушунавермайман. Аммо бу борада гапга уста Йўлдош аканинг фарғонача пайров айтиб, сўнг қотиб-қотиб, кўзларидан ёш чиққунча (“қақат-қават”) қулишини томоша қилиб ўтиришни эқтирардим.

Дарвоқе, баъзан уйланиб қоламан: Фарғонани Йўлдош акачалик яхши кўрган яна бирон фарғоналик бормикан бу дунёда? Ҳай, топилмас керак-ов...

“Мен Фарғонанинг қулиман”. Бу нафақат китоб номи, балки Йўлдош аканинг ҳаёт аъмоли, тутуми эди.

...Катта ижодкорлар оdatда оддий рўзгор юмушларига ўқувсизроқ бўлишади. Баъзан хатто арзиманган юмуш ҳам улар учун жуда катта муаммо бўлиб туюлади. Хуллас, Олой бозори яқинидаги кўп қаватли уйда яшайдиган Йўлдош ака (ҳалоллиги боис Дўрмондан ўзига битта дача олишга истихона қиларди, аммо, мисол учун, Исажон Султонга дача керак деб эшитиб қолса, энг шимариб шу ишни бажаришга киришиб кетарди) бир кун ишга сал эсанкираброқ кириб келди. Гап орасида сабабини сурштирсан, эшик қулфланиб қолганини, калит ичкарида қолиб кетганини айтиди. “Энди нима қилиш керак? – деди у киши ёш болайди ваҳимиға тушиб. – Қаердан уста топса бўлади?”

Авал бориб кўришни тақлиф қилдим. Йўлдош аканинг мени овора қилиши ийманаётганини кўриб, асли инженерлигини эслатдим.

Биргаплашиб бордик. Омбур, отвёртка, пичоқ... Ишқилиб, бирон ўн дақиқада эшикни очдим. “Қулфбузарларга ўғри-бошлиликни элпаркансиз”, дея лутф қилди гўё мен элликта кодли рақами бор банк сейфини очгандай ҳайрат ила бош чайқабган уй эгаси. Деворнинг кўчган жойларини сувоқ қиларканман, асқиябозлик менга ҳам юққанини кўрсатиб қўйишга уриндим: “Шунақа тақлифларам тушиб турибди”.

Ичкарига кирдик. Бу одмиғина жиҳозланган, бор-йўқ бойлиги китоблар бўлган уй эди. Хоналарга разм солдим ва... бир куйиб қолган, яна битта патронидан портлаб кетган лампочкани алмаштирдим; бир томонга қийшайиброқ қолган столнинг оёғини тўғриладим; жўмрақдан иссиқ сув томчилаб қолган экан, шуньям тузатиб қўйдим.

Йўлдош ака анграйиб қолди: “Мен сизни туппа-тузук ёзувчи деб ювордим...” Ҳазил қилишга уриндим: “Шунақа айбам бор. Слесарлик саноят менинг тимсолимада камдада бешинчи разрядли устадан айрилиб турибди-да...”

Ишқилиб, шу куну уй эгаси менинг арзимас ишимни алқаб чарчамади...

Йўлдош ака Олий Мажлис депутати бўлганида ҳамма бир қувонган бўлса, мен икки қувондим. Зеро, баъзан узоқ гурунглашиб қолган кезларимиз, гап орасида сездирмасдан, ўсмоқчилаб сўраб-сурштирганларимдан сўнг ўзимча таҳмин қила бошлагандимки, бу киши водийдан пойтахтга келиб-кетиш учун ўз ёнидан харж қилади. Табиийки, йигиб қўйилган маблаг йўқ. Шу сабаб энг ичида машина сотилган. Адашмасам, икки-уч йил ичида машина пулининг ҳам охири кўриниб қолганди... Мана энди эса Йўлдош аканинг депутат сифатида самолётда текинга учадди!

Аммо, гапимга данғаралиқлар гувоҳ, Йўлдош ака халқ вакили сифатида виждонан, жон қўйдириб ишлади. Узиям хулудда “Шеърини Охунжон қўшиқ қилиб айтган депутат” кирмаган хонадон қолмади ҳисоб. Сайловчилар хузурига икки марта бирга бордик. Турмушда сал қийинчиликка дуч келган ённки ноҳақликка учраган одам борки, тўғри Йўлдош Сулаймонни қора тортиб келавераркан. Уларнинг дардини кўзда ёш билан эшитиб ўтирадиган шоир аканинг дарров расмий ҳужжат, яъни “депутатлик сўрови” бланкани тўлдирга бошлайди денг...

Ҳа, Йўлдош аканинг кўнгли бўшлиғи ҳам бор эди. Фақат бу кўнгли бўшлиқ бироннинг дардини эшитганида, яхши асар ўқиганида, таъсирли шеър тинглаганида узини намойиш қиларди-қўярди. Бир гал Қўқонга Муҳаммад Юсуф, Йўлдош ака учаламиз бирга кетдик. Довонга чиққанимиздан сўнг олдинги ўриндикда ўтирган Муҳаммад Юсуф биз томон ўғирлиди ва ҳеч қандай кириш сўзисиз, муқаддимасиз шеър ўқий бошлади:

**Мендан нима қолар: икки мисра шеър,  
Икки сандиқ китоб, бир уюм тупроқ.  
Одамлар ортимдан нима деса дер,  
Мен сени ўйлайман ўзимдан кўпроқ –  
Лола, лолажоним, лолақизғалдоқ!..**

Шеър сеҳрига берилиб кетибман. Бир маҳал кимдир ёнимда энтиккандай бўлди. Қарасам, Йўлдош ака, кўз ёшларини яширмай, юм-юм йиғляпти...

Умуман сафарлар чоғи, айниқса, Фарғонага келганимизда Йўлдош ака бошқача очилиб-яйраб кетар, айна пайтда бирон меҳмоннинг эътибордан четда қолиб кетмаслиги учун куйиб-пишиб, елиб-югурар, “Пойтахтдан фалончи-пистончи улуг ижодкорлар ташриф буюрган-а!” дея бутун мезбонларни оёққа тургазарди...

Сал одамовиман. Биров билан тез эп бўлиб кетишим мушкул. Шунгами, давраларга киришдан, янги танишлар орттиришдан ўзимни тийиброқ тураман. Аммо ўзим учун ҳам мутлақо кутилмаганда Йўлдош Сулаймон билан тез тил топишиб кетдик; ора-сирра бир гурунглашиб қолса, сира гапимиз тугамасди.

Умр қисқа экан. Афсуски... Ижодкорлардан бири “Йўлдош акаси Фарғона хувиллаб қолди”, деб ёзди. Мен учун эса Тошкент ҳам хувиллаб қолди... Шундай одам-а... Шундай одам-а...

Қачон Фарғонага йўлим тушса, шаҳар чеккасидаги, сокингина қабристонга бораман. Бу ерда Йўлдош ота ётипти...

**Biznesni Rivojlantirish Banki**

# 9-MAY

## XOTIRA VA QADRLASH KUNI

WWW.BRB.UZ

**ADOLAT**

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Бош муҳаррир: **Ислом ХАМРОЕВ**

Таҳрир хайъати:

Робохан МАХМУДОВА	Қодир ЖўРАЕВ
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ	Озода ПАРШИБОВА
Наримон УМАРОВ	Тошпўлат МАТИБАЕВ
Муҳаммад АЛИ	Талъат МУРОДОВ
Гавхар АЛИМОВА	Абдуқамол РАҲМОНОВ
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА	Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75

Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

ИSSN 2013-5217

Навбатчи муҳаррир – Абдуқоюм Йўлдошев

Масъул котиб – Абдуғани Содиков

Таҳрирят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тоғи” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 501

Адади – 4 012

Босишга топширилган вақти – 21.00

Босишга топширилди – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳрирятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Реклама материаллари учун таҳрирят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмохонасида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.